



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 1 май, № 84 (6014)

Пайшанба

ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН, ЮҚОРИ СИФАТ

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шу жиҳати билан хариддорларга манзур бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барча соҳалари қаторида энгил саноат тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса, мазкур тизимда кўлга киритилаётган улкан ютуқлар замирида айнан қўлигул аёлларимизнинг тинимсиз меҳнати муҳасам, десак, муболаға бўлмайди. Мисол учун, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Зарафшон шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли "Агама" фабрикаси ишчиларининг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилади. Корхона цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар эса жаҳон бозориди ҳам эътироф этилмоқда.



МОДЕРНИЗАЦИЯ

— Ҳозирги кунда корхонамизда салкам 300 нафар хотин-қиз ишлапти, — дейди тикувчилик цехи трикотаж участкаси бошлиғи Наргиза Болтаева. — Уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бу, ўз навбатида, барча ёш тоифалари учун мўлжалланган 500 дан ортиқ трикотаж маҳсулотлари, шунингдек, махсус иш кийимларини тикиш имконини бермоқда.

Албатта, трикотаж маҳсулотларининг сифатини таъминлаш кўп жиҳатдан замонавий технологияларнинг юқори самарадорлигига боғлиқ. Шу боис 2013 йилда тўқувчилик цехидаги Япониядан келтирилган замонавий рўсумдаги тўқув дастгоҳлари учун 100 минг евролик эҳтиёт қисмлар харид қилинди. Қўшимча иш ўринлари яратилиши туфайли эса коллеж битирувчилари — ўнлаб қизлар ўз салоҳиятларини намоян этиш имкониятига эга бўлди.

— Касб-хунар коллежини тамомлаб, шу ерга ишга кирдим, — дейди Зебунисо Исмоилова.

— Тажрибали устозларнинг ёрдами билан маҳоратимни кун сайин ошириб бораётман.

Айни пайтда тикувчилик цехида ойига 650 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Уларнинг асосий қисми Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари учун етказиб берилаётган.

Этиборли жиҳати, цехда асосий эътибор сифат билан

бирга, замонавий андозалар яратишга ҳам қаратилаётган. Бунда тажрибали дизайнер Эъзола Норбекова илҳомини қўл келмоқда. Чунки у янги кийимлар дизайни устида тинимсиз ишлаб, маҳсулотнинг рақобатбардош бўлишига астойдил интиллаётган.

Бундан ташқари, "Агама"-нинг яна бир цехида чет эл дастгоҳлари ёрдамида эрак-

лар ва аёллар учун тўқима кийимлар ҳам тайёрланаётган. Машиналар компьютер дастурига киритилган андозаларга мувофиқ, маҳсулотларни кузатувчининг назорати остида ишлаб чиқарилади.

Кискача айтганда, мустақилликнинг илк медалларидан бўлиши "Агама" корхонасининг маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ха-

ридорларини топиб, жаҳонга юз тутмоқда. Бу эса ишчиларни янгидан-янги марралар сари руҳлантираётган.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона тикувчилик цехи бош технолоғи Муроджон Эрманов ва дизайнер Эъзола Норбекова.

Муаллиф олган сурат.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган форум бўлиб ўтди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодий, ёқилғи-энергетика, савдо-сармоя, автомобил-созлик, транспорт, кишлоқ ва сув хўжалиги, авиатасуви, боғжона, экспорт-импорт, сугурта ва логистика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компаниялари раҳбарлари, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, Корея Республикаси иқтисодий, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича миллий тадқиқот кенгаши ижрочи директори Ан Се Ён ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликка янги суръат бахш этди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган, ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шеригидир. Мунтазамлик касб этган мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда

да изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳам, Жанубий Корея ҳам иқтисодий соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу борада икки мамлакат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга киритган жами сармояси 6 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 230 дан зиёд хужжат имзоланган.

2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жанубий корейлик ишбилармонлар билан ташкил этилган қарий 420 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг саксонга яқин компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва энгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлигида нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири — Устюрт газ-кимё мажмуаси бунёд этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ҳамда экспертлар иштирокида "Кўппартиявийлик тизимини ва партиялараро рақобатни мустақамлаш — парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим шартини" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатни янада демократлаштиришнинг муҳим омили

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), "Миллий демократик институти" нодавлат нотижорат ташкилоти (АҚШ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида тараққий этнинг "Ўзбек модели" асосида ҳаётга татбиқ қилинган кенг қамровли стратегия натижасида миллий давлатчилик ҳамда сиёсий тизимни шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш,

қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш ва мустақамлаш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим мақсадларидан бирига айланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур мақсадларни амалга оширишда мустақам ҳуқуқий асос бўлди.

(Давоми 3-бетда).

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир

Мамлакатимиз истиқлол йилларида эришган улкан ютуқ ва марралар бугун нафақат халқимиз, балки хорижийлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шубҳасиз, бу муваффақиятларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжат миллий тараққий йўлини белгиловчи халқчил Қомус сифатида ижтимоий-сиёсий соҳада кенг имкониятлар яратаетган. Айни чоғда унда халқ ҳокимияти асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқ норма ҳамда қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг аънаналари ва миллий ҳуқуқий қадриятларимизга ҳам мосдир. Шу ўринда Асосий Қонунимиз давр талабларига мос равишда тақомиллаштириб борилаётганини ҳам айтиш зарур.

ЖАРАЁН

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Қонун маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланди ҳамда жорий йилнинг 17 апрелида эълон қилинди. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қоидалар ва гоёларга мувофиқ тайёрланган ҳамда қабул қилинган.

Конституциямизга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини

янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципи боқичма-боқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳуқуқнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида йўналтирилган. Энг муҳими, бу ўзгаришлар кенг жамоатчилик, илмий доиралар,

аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, бугун жамият ҳаётининг барча жаҳаларида фаол янги-янгилар, ўзгаришлар жараёни кечмоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунда, албатта, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилаётган ҳамда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Концепция мамлакатимиз тараққий-ининг яқин ва узоқ истиқболи учун дастурийлашма ҳужжатдир.

Яқинда янги тахрирда тасдиқланган Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низом судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини янада мукаммаллаштиришда айни муддаодир. Аниқ айтганда бўлса, низом истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини боқичма-боқич мустақамлаб бориш, судларнинг ҳолислиги ва мустақиллигини таъминлаш, уларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг мантикий давоми бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

6,2 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали агротехнологияларни амалиётга жорий этиш ҳамда фермер ва деҳқон хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича чора-тадбирларнинг давом эттирилиши соҳада ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу ўринда ўтган йиллар давомида тизимда олиб борилган исл...
Шу ўринда ўтган йиллар давомида тизимда олиб борилган исл...
Шу ўринда ўтган йиллар давомида тизимда олиб борилган исл...

таъминлаш тизими ва механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида "Хабас корпус" институтини қўллаш амалиёти кенгайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва табиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбуриятлар чораларини қўллаш ваколати судларга берилди.

Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга қаратилган Фармони билан суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Буларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсади-

Мазкур Қонунда судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ойдинлик киритилган. Хусусан, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин аввал эгалаб турган иши, бундай иш мавзуда бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш берилди. Судьяларнинг ваколат мuddати тугагандан сўнг уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи янги ваколат мuddатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари қўриб чиқилган давр-

ятини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳам жойларда салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, судларнинг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди. 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Фориш, Бойсун, Нуробод, Амударё, Учкудук туманлари судлари, Пайарик, Касби, Куйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пешку, Якчабоғ, Галлаорол туманлараро судлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг би-

лумот, суд амалиётини ўрганиш орқали умумлаштириш, ақсарият холларда, судья ва суд ходимлари ўртасида ижтимоий сўров олиб бориш йўли билан ўтказилаётгани, айниқса, фойдали бўлаётми.

Марказ томонидан халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, улар иштирокида суд-ҳуқуқ соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, экспертларни жалб қилган ҳолда, конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда хорижий мамлакатлар илгор тажрибасини ўрганиш ишлари олиб борилмапти.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан яна бири, бу — шубҳасиз, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ. Мухими, бу фуқаролар вақти, маблағи тежаллиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига имкон бермоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинмоқда. Ушбу лойиҳа асосида "E-Sud" электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси шунки, мазкур тизим судларда электрон ҳужжат ала-машинувини жорий этиш, тарафларга суд хабарнома ва ҳужжатларини АКТ орқали юбориш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган намуналар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвими жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишнинг автоматлаштириш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб "E-Sud" ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунгача тизим орқали тўрт мингдан ортиқ суд бўй-руғи бериш ҳақида ариза тушган бўлиб, улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда қўриб чиқилган.

Электрон судлов ахборот тизимининг даъво ва шикоят тартибидан иш қўришга мўлжалланган қисмларини эса яқинда синовдан ўтказиш бошланади. Бундан ташқари, 2014 йилнинг охирига қадар тизимнинг апелляция, кассация ва назорат тартибидан ишларни қайта қўришга мўлжалланган қисмларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Умуман, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар умумий юрисдикция судлари фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш, одил судловни тўла амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бўритоҳ МУСТАҒОБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир

да эса 2014 йил 20 январда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди.

"Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган янгиликларга кўра, эндиликда судья бўлаётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва иктисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Бундан мақсад ўз-ўзидан тушунарли. Талаб қилинаётган ушбу мuddат мобайнида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаш бораберида, ўзига ҳос ҳаётий таърибани қўлга киритади.

Янги талабга кўра, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқийди ҳамда стажировка ўтайди. Бу эса ҳар томонлама етуқ кадрларни, хусусан, муайян иш таърибасига эга шахсларни жалб қилиш орқали суд ишлари самардорлигини ошириш, муҳими, инсон ҳаёти ва тақдирини билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин ҳозирлайди.

да ёхуд янги иш жойига жойлаштирилганга қадар, кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Бундай ўзгаришлар суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини янада кўтартириш, судьялар учун моддий-маиший шaroитларни сезиларли даражада яхшилаш, пировардига одил судловни тўла амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда қаролатилган ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенроқ таъминлаш имконини беради.

Ҳўш, бундай кенг қўламли янгилашиллар қандай самара бера-япти? Ушбу саволга мана бу маълумотлар мисолида ҳам жавоб олиш мумкин. Ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан ортиқ иш қўриб чиқилди. Судлар томонидан қўрилган жиноят ишлари сони эса 2012 йилдагига нисбатан 1,5 фоиз камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғирлик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари сезиларли даражада камайди. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилингандан буён эса 150 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган, айниқса, диққатга сазовордир.

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаоли-

ринчи чорагида Фориш, Пайарик, Касби, Куйи Чирчиқ туманлараро судлари иш бошлади. Бу амалда аҳоли учун қулайлик яратди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тузилганини ҳам айтиш зарур. Бу тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсунуши таъминлигига қатъий риъоз этган ҳолда, судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини назорат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилда Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Марказда қонунчилик базасини таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган даврда бу ерда соҳага оид ислохотлар, қабул қилинган барча қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қонунчилигини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга оид маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғри ва бир хилда қўлланилишини ўрганиш мақсадида эса судлар фаолиятини беvosита ўрганиш орқали мониторинг ишлари йўлга қўйилди. Мухими, бу таҳлиллар қонунчилик базаси, статистик маъ-

Қисқа сатрларда

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси базасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари учун ўқув йиғинлари ташкил этилди.

Чирчиқда "Ёш чегарачилар" аънавий ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Сурхондарё вилоятининг "Бургу" жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Навоий шаҳрида "Қамалак" билимдонлари республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Жамоалар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб, ижтимоий лойиҳа каби йўналишларда ўз иқтидорини намойиш этди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни навоийлик ёшлар эгаллади. Иккинчи ўринга Фарғона, учинчи ўринга Тошкент вилояти жамоалари сазовор бўлди.

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юксалишнинг янги уфқлари

Истиклол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт йўлакларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқда йирик инвестиция дастурлари доирасида кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилапти.

ИСЛОХОТ

Ҳозирги кунгача "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан электрлаштирилган линияларнинг умумий узунлиги 1500 километрдан ошгани ана шундан далолат беради. Ушбу жараён бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, "Мароқанд — Қарши" ҳамда "Қарши — Термиз" участкаларидаги йўллар замон талаблари даражасида электрлаштирилмоқда. Бошқача айтганда, Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда технологик жиҳатдан модернизациялаш бўйича фол инвестиция сиёсати муваффақиятли амалга оширилаяпти.

Маълумки, узунлиги 140 километр бўлган "Мароқанд — Қарши" участкасини электрлаштириш ишлари бундан икки йил аввал бошланган эди. Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва компания маблағлари ҳисобидан ҳаётга татбиқ этилаётган бу лойиҳа темир йўлни электрлаштириш бораберида, линияга халқаро андозаларга мос алоқа ва коммуникация технологияларини жалб қилиш, замонавий иншоотларни барпо этишни ҳам назарда тутди. Ҳозиргача мазкур участкада темир йўлчилар томонидан 1448,5 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилиб, 3788 та

устун пойдевори, 3788 та темир-бетон устун, 1200 дан ортиқ консол ва 111 металл конструкция ўрнатилди. Бунда, албатта, компания таърифидаги қурилиш ташкилотларининг уч юз нафарга яқин тажрибали мутахассислари ва эликдан ортиқ қудратли техникалари жалб этилиб, объектларга Маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзимизда тайёрланган темир-бетон маҳсулотлари ва консолларидан

Айни пайтгача "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан

1500

километрдан ортиқ линиялар электрлаштирилди.

пешма-пеш етказиб берилаётгани кўл келмоқда. Ваҳолонки, илгари бундай қурилиш ашёлари хориждан келтириларди.

Шу кунларда участканинг "Гум-баз", "Улус", "Жом", "Айритом", "Алотун", "Нигуз", "Қашқадарё" станциялари ва улар ораллигидаги масофаларда қурилиш-монтаж ҳамда алоқа тармоқларини улаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

325 километрик "Қарши — Термиз" участкада эса электрлаштириш жараёни Япония ҳукуматининг "Тараққиётга расмий ёрдам"



дастури доирасида амалга оширилмоқда. Аҳамиятли томони, бу лойиҳа келгусида миллий темир йўл тизимининг муҳим бўлаги ҳисобланган "Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон" темир йўл линиясини тўлиқ электрлаштириш имконини беради.

Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, линияда поездлар нафақат ишончли ва хавфсиз ҳаракатланади, балки юк ва йўловчи ташвиш ҳам янада ортади. Юк ташвиш вақти 1,2 соатга, йўловчиларни манзилга етказиш

муддати 40 дақиқага қисқаради. Темир йўлнинг поездаларни ўтказиш қуввати эса 35 фоиз ошади.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодийимтиёзли салоҳиятини юксалтириш билан бирга, унинг халқаро майдондаги нуфузи ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жамшид ХОЛОВ, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Ахборот хизмати мутахассиси.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Форумда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги орқали бундан буён ҳамкорликнинг фикрича, изчил ривожланиётган савдо-иқтисодий, сармовий ва молиявий ҳамкорлик ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётми. Дунёда беқарор молиявий-иқтисодий ҳолат давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон эришаётган барқарор иқтисодий ўсишга Кореялик меҳмонлар юқори баҳо берди.

2006 йил 29 март кунини имзоланган мамлакатларимиз ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация асосида амалга оширилаётган ўзаро муносабатлар муттасил кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

— Корея Республикаси Президент Пак Кин Хе Евросиё минтақасидаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ташаббусини илгари сурди, — деди Ан Се Ён. — Ўзбекистон Жанубий Кореянинг ушбу минтақадаги асосий шерикларидан биридир. Мазкур форум мамлакатларимизнинг турли соҳаларда фаолият юритувчи тадқиқот муассасалари вакиллари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболлари ҳақида фикр алмашиш имконини берди. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир. Таълим, фан, спорт, маданият, табиёт ва сайёҳлик соҳасида Ўзаро самарали ҳамкорлик изчил давом этмоқда, талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашиш фаоллашмоқда.

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида Ўзбекистон барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда, — деди Сеул дав-

лат университетининг глобал ижтимоий масъулият институти директори, Корея Республикасининг собиқ ташқи ишлар ва савдо вазир Ким Сонг Хван. — Мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорлик барча соҳаларда ўз самарасини бермоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми тобора кенг бораётгани эътиборга молик. Ўзбекистон билан ҳамкорлик Жанубий Корея учун муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз билан транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ҳамкорликни ривожлантириш жуда муҳимдир. Ушбу форум ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади, албатта.

Анжуманда меҳмонларга мамлакатимизда иқтисодий инновацияларни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни раванқ топтириш омиллари, молиявий тизимни барқарор тараққий эттириш борасидаги сайёҳаракатлар, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қўлайлик ҳамда имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Иштирокчилар мазкур тадбир ўзаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликка оид кўплаб муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлганини таъкидлади. Бундай форумларни мунтазам ўтказиш Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг узоқ мuddатли манфаатларига хизмат қилувчи муносабатларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга катта ҳисса қўйиши алоҳида қайд этилди.

Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида транспорт ва логистика, газ саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш каби қатор соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, бу борадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш омиллари юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

САВДО МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги "Узинфоинвест" агентлиги томонидан ташкил этилган Ўзбекистон — Чили бизнес семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги "Узинфоинвест" агентлиги директори ўринбосари Ж. Абдурахимов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Ж. Мустафоев ва бошқалар чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкор мамлакатлар, жумладан, Чили Республикаси билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайиб бормоқда. Масалан, жорий йилда икки мамлакат ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳамми 2012 йилдагига нисбатан уч баробардан зиёд ошди. Чунинчи, Ўзбекистон Чилига енгил саноат маҳсулотлари экспорт қилмоқда, мамлакатимизга келаётган чилилик сайёҳлар сони кўпаймоқда.

Тадбирда иштирок этган мамлакатимиз саноат компаниялари вакиллари Чили иқтисодиёти, хусусан, ушбу давлатнинг импорт эҳтиёжларига оид зарур маълумотларга эга бўлди. Чили вакиллари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестицион муҳити, миллий маҳсулотларимиз экспортининг устувор йўналишлари тўғрисидаги тақдимотлар билан танишди.

— Ўзбекистон ва Чили ўртасидаги иқтисодий муносабатлар катта истиқболга эга, — дейди қароргоҳи Москвада жойлашган Чили Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Факултетида ва мухтор элчиси Хуан Эдуардо Эгитерун Гусман. — Бугунги семинарда Ўзбекистонда яратилган қўлай инвестицион муҳит ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлди. Ўзбекистонлик саноатчилар ва тадбиркорларни Чилининг иқтисодий имкониятлари билан таништирдик. Тез орада Ўзбекистонда ўз савдо ваколатхонамизни ташкил этамиз ва Чили тадбиркорларини ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка жалб қиламиз.

Бобур ОБИДОВ, ЎЗА мухбири.

Мамлакатни янада демократлаштиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Семинарда Президент Ислам Каримов томонидан 2010 йилда илгари сурилган ҳамда бугунги кунда жадал рўёбга чиқарилаётган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни замонавий босқичда ривожлантиришнинг миллий стратегияси эканлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек,

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Уларда давлат ҳокимиятининг ижро органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш,

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини оширишга қаратилгандир.

Анжуманда хорижий иштирокчилар Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг қисқа даврига қарамадан самарали парламентаризм, жамиятни демократлаштириш, халқ ҳокимиятичилигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкам-

лаш бўйича бой тажриба орттирилгани, соҳадаги ислохотлар тақдими этаётган натижалар бошқа кўп давлатлар учун андоза бўлиши мумкинлигини таъкидладилар. Мамлакатимизда кечаётган бугунги демократик янгиланишлар жараёни қонун устуворлиги, таъсирчан ҳокимият, кучли фуқаролик жамиятига таянган ва ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ҳисобланган асосий стратегия мақсадида босқичма-босқич эришиш йўли-

даги навбатдаги катта қадамдир.

Семинар фаол мулоқот руҳида ўтиб, маърузачилар партияларaro тизимни демократлаштириш бўйича миллий тажриба, шунингдек, Германия, Бельгия, Корея Республикаси, АҚШ, Канада сингари мамлакатлардаги кўппартиявийлик тизими ва демократия ривожланиши хусусида батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, анжуман қатнашчилари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар дунёнинг кўп давлатларига демократия принциплари асосида мамлакатни самарали ислох қилиш, модернизациялаш намунаси сифатида хизмат қилиши мумкин, деган яқдил фикр билдирилди.

Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш гарови

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда ва Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилаш ва барқарорлаштириш учун табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларини ривожлантириш соҳасида ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини бошқариш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тизимини такомиллаштириш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан дахлдор ташкилотлар билан биргаликда 12 та қонун лойиҳаси, қарорлар ва уларга тегишли тузатишлар ишлаб чиқилди. Хусусан, "Экологик назорат тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда жажон стандартларига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ва гигиена соҳасида дастурлар ва ҳаракат режалари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Сув ресурсларини барқарор бошқариш, ушбу неъматнинг ифлосланиши ҳамда камайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўришга, сув объектларининг ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Сув ресурсларини бошқариш тизимини институционал ва қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда, монито-

ринг ва ахборот тизими такомиллаштирилмоқда. Маиший турмушда ва коммунал хўжалигида сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашнинг янада яхшилаш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида дастурлар қабул қилинди.

Давра сўҳбатида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифаларидан бири соғлом болани тарбиялашда маҳалланинг ва бошқа жамоат тузилмаларининг ролини ошириш, ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди. "Экологик назорат тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида ўрин берилганини кўрсатиб ўтилди.

Тадбирда амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот алмашиб, иқлим ўзгариши, чиқиндиларни бошқариш, ер ва сув ресурсларининг, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби экология ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир муаммолар, шу жумладан, инсон саломатлигига бевосита таъсир кўрсатувчи масалалар долзарблиги ортиб бораётгани айтиб ўтилди.

Муҳокама асносида давра сўҳбати қатнашчилари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш, аниқса трансгенаривий экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар экологик таълимни ривожлантириш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларида таълим принципларини жорий этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, экология соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари амалга оширилишини назорат қилиш механизмининг янада такомиллаштириш, экологик экспертиза, сертификатлаштириш, нормалаштириш ва стандартлаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ёш авлод саломатлигини таъминлаш тизимида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, халқ депутатларининг маҳаллий Кенгашларининг, таълим ва тиббиёт муассасаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрнини кучайтириш муҳимлигини кўрсатиб ўтилди.

Давра сўҳбати қатнашчилари муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсияларни қабул қилдилар.

Қобил ХИДИРОВ.

Сўз — халқаро семинар иштирокчиларига

Маттиас РЁССЛЕР, Саксония ери парламенти раиси (Германия):

— Ўзбекистонда ўтган қисқа давр мобайнида сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида қатор ислохотлар рўёбга чиқарилди. Натижада кўппартиявийлик тизими тараққиёти учун қулай шaroитлар яратилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар сиёсат майдонида ўз позицияси, устувор йўналишлари, электоратига эга эканлиги, уларнинг давлат равнақига дахлдорлиги, ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида мунтазам иштирок этаётгани бунга мисолдир. Шубҳасиз, булар чуқур ўйланган демократик ислохотлар, сиёсий-ҳуқуқий тадбирлар самараларидир.

Пьер-Эммануэль ТОМАНН, Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори (Бельгия):

— Ўзбекистон парламентининг фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Семинар доирасидаги муҳокама ҳам шуни кўрсатдики, мамла-

катингизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини кафолатладиган аниқ ҳуқуқий механизм яратилган. Яқинда Конституцияга киритилган ўзгаришлар мамлакатни демократлаштириш, хусусан, парламент ваколатларини кенгайтириш, ижро ҳокимиятининг масъулиятини ва ҳисобдорлик даражасини ошириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Шон РОБЕРТС, Жорж Вашингтон университетининг Эллотт номидаги халқаро муносабатлар мактаби профессори (АҚШ):

— Президент Ислам Каримов томонидан ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш ҳамда мазкур демократик институтни конституциявий мустаҳкамлаб қўйиш бўйича илгари сурилган ташаббус таҳсинга сазовор бўлиб, уни чуқур ўрганиш лозим. Биз Ўзбекистон замонавий парламент тизимини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, у халқаро демократик стандартларнинг барча асосий жиҳатларини ўзида намоён

қилади. Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда кечаётган ислохотлардан, хусусан, парламент фаолиятини кучайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кенг хабардор бўлиши керак.

Грехем СТИЛ, Янги Шотландия мажлислар палатаси аъзоси (Канада):

— Ўзбекистонда парламент тизимини, сиёсий партиялар ва улар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шaroит яратилмоқда. Партияларaro рақобат, ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия тармоқларини янада демократлаштириш учун кенг ҳуқуқий майдон яратилган. Партияларга ўз сайловли платформаси ҳамда дастурларини акс этган асосий ғояларни амалга ошириш учун Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган имкониятлар тақдим қилинган. Мен бу тизим нафақат ривожланган демократик давлатлар тизимидан қилинмайди, балки улардан афзал жиҳатларга ҳам эга, деб ўйлайман.

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Дунё бўйича планшетларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Планшетларга талаб катта



Маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида халқаро бозорда 57,6 миллион донана шундай техника воситаси сотилган. Бу ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 19 фоиз кўпдир. Харидорлар орасида, асосан, "Android" платформаси асосида ишловчи планшетларга қизиқиш катта. Январь-февраль ойларида сотилган жами ускунанинг 65,8 фоизи шу туркумга тегишли экани буни яққол тасдиқлади.

Экологик безарар автобус

Венгрияда экологик безарар автобус яратилди.



"Credo E-Bone" деб номланувчи мазкур транспорт воситасининг зарари ҳақиқатда

нолга тенг. У водородли ёқилги элементлари ва литийли батареялар ёрдамида ишлайди. Айни пайтда эко-автобус синовдан ўтказилмоқда. Агар у иқтисодий жиҳатдан ўзини оқласа, оммавий равишда ишлаб чиқарилади.

Энг катта гулқарам

Буюк британиялик боғбон Питер Глейзбрук оғирлиги 27 килограмму 485 граммга тенг бўлган гулқарам етиштирди.



"The Daily Telegraph" нашрининг ёзишича, мамлакат боғбонлари уюшмасининг эксперт ва мутахассислари ушбу махсулотни чуқур ўрганиб, уни "Энг катта сабзавот" сифатида эътироф этишди. Бундан аввалги рекорд яна бир британиялик Алан Хэттерслига тегишли бўлиб, у 24,6 килограмми гулқарам ўстиргани учун Гиннессинг рекордлар китобига киритилганди. Ана шу китобдан жой олиш учун Питер Глейзбрук ҳам ариза билан мурожаат қилиши керак. Аммо боғбон бу ҳақда ҳозирча бирор гап айтгани йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МУТАХАССИСЛАР УЧРАШУВ ЖОЙИ!

Нефть ва Газ

18-Халқаро кўрғазмаси

13-15 Май

Ўзбекистон, Тошкент «Ўзэкспомарказ» МКК

OGU www.oguzbekistan.com www.oilgas.uz

ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-А уй. Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

ufi Approved Event

ufi Member

Guvojloma № 3583

«Тошкент труба заводи» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 850 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокки қувурларни харидорларга тақлиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 4 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Қўштепа тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 мартдаги 15-13-09/6078-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Каттаболтақул» ММТПга тегишли, Қўштепа тумани, «Каттаболтақул» ҚФЙ, Нокзор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 347,16 кв.м., фойдаланиш майдони 45,30 кв.м. бўлган, 0005-0009-литерлардаги трактор гаражи бино-иншоотларининг бир қисми.
- **Бошланғич баҳоси — 6 384 815 сўм.** Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 2 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.
- 2014 йил 21 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда тақдоран қўйилмоқда:
 - Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 апрелдаги 15-09-03/3897-сонли, 15-09-04/14383-сонли ва 15-09-07/21969-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Дехқон бозори» МЧЖга тегишли, Бувайда тумани, «Янгикўрғон» ҚФЙ, Янгикўрғон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 105,29 кв.м., фойдаланиш майдони 74,57 кв.м. бўлган, 0034-0035-литерлардаги тарози сақлаш омбори ва ветеринария бинолари.
 - **Бошланғич баҳоси — 43 077 131 сўм.** Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 26 мартдаги 15-13-03/3756-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Дехқон бозори» МЧЖга тегишли, Бувайда тумани, «Янгикўрғон» ҚФЙ, Янгикўрғон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 105,29 кв.м., фойдаланиш майдони 74,57 кв.м. бўлган, 0034-0035-литерлардаги тарози сақлаш омбори ва ветеринария бинолари.
 - **Бошланғич баҳоси — 21 055 000 сўм.** Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир иш куни қолганда, яъни 2014 йил 19 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.
 - Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.



Фавворалар чорлайди бизни

САЙИЛ

Пурвиқор тоғларимиз, бепоён қир-адирларимиз бағридан қайнаб чиқаётган зилол чашмалар аждодларимизнинг софлиги ҳақидаги қўшиқлармикан? Нима бўлганда ҳам биз — мана шу блокларимиз каби тинч тилакли, хуш ниятли халқимиз. Халқимиз қалбидан, Ўзбекистон осмонидан бутун дунёга фақат эзгулик, оқ-оппоқ истаклар, тинчлик таронаси таралади.

Мухтарам Президентимиз Наврўз табритида "Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айнан шундай тилакларни раво кўради", деб таъкидлаган эди.

Хазрат Амир Темур бобоимиз бунёд этган боғлар ҳақидаги фахру ифтихор

ҳамон тилимиздан тушмайди. Зотан, бунёдкорлик ҳам бизларга бобомерос фазилат. Шу боис она-табиати-мизнинг беқиёс гўзаллигини, яшиллигини, иромқларимиз оҳанги, шалолаларимиз шифосини шаҳарларимиз бағрида ҳам кўришни истаймиз. Бу эзгу ният шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари туфайли амалга ошмоқда.

Шу маънода мухтарам пойтахтимиз Тошкент шаҳрида нур сочаётган, дур сочаётган, етти рангда товланаётган фаввораларни халқимиз эзгу ниятларининг оҳангига менгаш мумкин. Бугун уларнинг ҳар бирида ўзига хос шукх, ўзига хос тарона, ўзига хос гўзаллик ва ором бор.

Қизиқарли баҳслар,

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати олий лигаси жамоалари ўртасида олтинчи тур учрашувлари якунланди.



кутилмаган натижалар

Ушбу турда бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди. Жумладан, амалдаги чемпион — "Бунёдкор" Бухорода "Бухоро" клуби билан дуранг (1:1) ўйнаган бўлса, Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси ўз майдонида олий лига дебютанти "Машъал" (Муборак)ни мағлубиятга учрата олмади. Мазкур ўйинда ҳар икки жамоанинг дарвозалари дахлсизлиги сақлаб қолинди. Мусобақа стартини яхши бошлаган "Насаф" эса Қаршида

Бекободнинг "Металлург" жамоаси билан муроса кўчасини танлади — 0:0. "Олмалик" (Олмалик) клуби тунислик легионер Шакир Зуагининг янгона голи эвазига "Қизилқум" (Навоий)ни мағлубиятга учратди. Шу тариха Шакир Зуагининг чемпионатида гол киритган тунислик биринчи футболчи бўлди.

Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги "Локомотив" "Андижон" клубидан 4:0 ҳисобда устун келди. Ушбу

баҳсда жамоа ҳужумчилари Фарҳод Тоқиев ва Иван Нагаев иккитадан гол киритди. Бу муваффақият "Локомотив"нинг олий лигадаги юзинчи галабаси ҳисобланади. Уйинда учинчи голга муаллифлик қилган Иван Нагаев эса клубнинг Ўзбекистон чемпионатларидаги 350 голини ўз номига эзиб қўйди. Наманганда "Навбахор" ва "Сўғдиёна" клублари ўртасидаги баҳсни томоша қилиш учун стадионга келган мухлислар голлар шоусидан баҳраманд бўлишди. Учрашувда мезбонлар тўрт, меҳмонлар эса икки бор муваффақиятга эришди.

Самарқандда "Динамо" ва "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам қизгин курашларга бой кечди. Уйинда 1:2 ҳисобда устун келган тошкентлик футболчилар XXIII миллий чемпионатидаги кетма-кет олтинчи галабасини нишонлади. Эътиборга молик жиҳати, "Пахтакор"га муваффақият келтирган гол яна химоячи Егор Кримец томонидан киритилди. Егор бешинчи турда ҳам "Олмалик" дарвозасини ишғол қилиб, жамоасига муҳим уч очкони келтирган эди.

Фазлидин АБИЛОВ.

Олий лига жамоалари ўртасидаги навбатдаги тур учрашувлари 2 ва 3 май кунлари бўлиб ўтади. Ушбу турда мухлислар "Пахтакор" ва "Локомотив" клублари ўртасидаги марказий ўйинга гувоҳ бўлишади. Шунингдек, "Бунёдкор" — "Навбахор", "Металлург" — "Нефтчи", "Сўғдиёна" — "Насаф", "Андижон" — "Бухоро", "Қизилқум" — "Динамо" ва "Машъал" — "Олмалик" жамоаларининг ўзаро беллашувлари ҳам қизиқарли курашларга бой ўтиши кутилмоқда.

бизни

Қорган каби ширмой нонинг зуволасин,
Чертган каби Тошкент чинни пилласин,
Тинглаб кўринг фавворалар хуш ноласин,
Қилса ҳамки теграсида оворалар,
Шошда сизни асир этгай фавворалар.

Эл шончин бу кўкларга парвозими,
Эл қувончин сувлардаги рақс, нозими,
Энг яхши куй бу сувларнинг овозими?
Етти тепки атлас кийган дилсоралар,
Етти рангда товланади фавворалар.

Улар сони қирқ еттига етган бу кун,
Лек довруги юзлаб элдан ўтган бу кун,
Эл-элтлар бахт жомини тутган бу кун,
Дардларига дармон олур дилпоралар,
Кўҳна Шошда бордир шундай фавворалар.

Ҳар фаввора ҳар оҳангда куйлағайди,
Бири пастроқ, бири баланд бўйлағайди,
Кўриб турган одам ногоҳ ўйлағайди,
Баланд тоғда шовулурми шалолалар,
Йўқ-йўқ, дейсиз, бу «шаҳарлик» фавворалар.

Мустиқиллик майдонининг жилолари,
Ҳурриятнинг сувлардаги садолари,
Бордир юртга уларнинг ҳам вафолари,
Азим Тошкент оқшомида шароралар,
Йўлингизни куйлаб кутар фавворалар.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Полвонларимиз галабаси

Остонада эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз битта олтин, битта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди.

Мусобақада юнон-рум кураши бўйича Элмурод Тасмуродов ўз вазн тоифасида голиб чиқди. У ўттин йили Дехли шаҳрида ташкил этилган китъа чемпионатида ҳам олтин медалга сазовор бўлган эди. Яна бир курашчимиз Рустам Аскалов иккинчи ўринни қўлга киритди.

Эркин кураш бўйича Фурқат Фармонов, Иштиёр Наврўзов ва Рашид Курбонов ўз вазн тоифасида кучли ушқандан жой олди.



9

МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Сайфи Фафворов — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Вобкентнинг табаррук нурунийларидан бири. Отахонни доимо неварою чеваралари даврасида кўрасиз. Сўзлари оддий, аммо жўяли. Суҳбати дилтортар. Гурунглашиб ҳаёт, умр мағзини чаққандек бўласиз. Айниқса, тинчлик, осойишталик ҳақидаги гаплари самимийликка йўғрилган.

Тинч ва фаровон ҳаёт неъматиди

— Тонг-сахарлаб туриб, ён-атрофга қаранг, — дейди у. — Дарвозалар олдида сув сеппилган, чиннидайд тоза қилиб қўйилган. Келинларимиз тандирга ўт қалашган. Эндигина узилган нон иси димоғингизни қитқилайди. Неварларимиз мактабга бориш таралдуғида. Кимдир маъракага, кимдир ишга ошқаяпти. Ҳар кун соғ-саломат туриб, шу манзарани кўрганга нима етсин?! Юртбошимизга раҳмат. Биз, уруш қатнашчилари, нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётимиз. Ҳамиша халқимиз эъзозидамиз. Мана, яқинда давлатимиз раҳбарининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу катта эътибор намунаси. Шу кунларга етказганига шукр.

Уруш кўрган, тинчлик қадрини теран англаган отахоннинг сўзларини тинглаб, ҳар қандай кишини кўнглидан шукроналик ҳисси кечиши тайин. Дарвоқе, шукроналик... — Жийлақда табаррук

ёшдаги отахон ва онахонлардан иборат шукроналик гуруҳлари тузганмиз, — дейди "Нуруний" жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Юсуф Курбонов. — Улар нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки энг чекка қишлоқларда ҳам бўлиб, шу кунга қадар ёшлар билан икки минг мартага яқин учрашув, мулоқот, давра суҳбатлари ўтказишди. Нурунийларимиз шу тариха ёш авлодни истиқлолга садоқат, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга ўз хиссаларини қўшяптилар.

Вилоятда айни кунда 200 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фронт ортида мардондор меҳнат қилган 3800 нафардан кўпроқ киши, ёши юздан ошган 76 нафар қария бор. Уларнинг барчаси давлат ва жамоатчилик эътиборида. Масалан, "Нуруний" жамғармаси турли ташиқлотлар билан ижтимоий шериклик тамойиллари

асосида уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам қўрсатмоқда, уларга соғва-саломлар улашляпти. Кекса ва ногирон инсонларнинг турмуш шартлари хомийлар томонидан яхшиланмоқда. Уруш қатнашчиларининг бир гуруҳи "Ситораи Моҳи Хосса" санаторийсида дам олиб, саломатлигини тиклади. 20 минг нафарга яқин кекса отахон ва онахонлар учун қадимий Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди. Меҳнат фахрийлари юртимизда истиқлол даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу, табиийки, уларнинг шукроналик гуруҳларидаги фаолияти самарали кечишига ҳам хизмат қилади. Зеро, тинч ва фаровон ҳаётни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ота-боболаримизнинг эзгу анъаналарини келгуси авлодга етказишга ҳар биримиз масъулмиз.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар фестивали

Самарқанд вилоятида "Бирлашиб — биз катта кучмиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

ТАДБИР

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур акцияда вилоятдаги олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари катнашди.

Фестиваль югуриш марафони билан бошланди. Сўнгра спорт мажмуаларида баскетбол, қўл тўпи, миллий кураш,

ўзбек жанг санъати, муайтай, шахмат бўйича мусобақалар уюштирилди.

Самарқанд давлат университетидан бўлиб ўтган "Ёшларга оид давлат сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда эса мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Акция якунида фаол иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. "Мўъжиза" амфитеатрида таниқли санъаткорлар иштирокида бўлиб ўтган гала-концерт эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

CNH INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

В 90 В **Е 215 В**

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Tel.: (+99871) 120-74-50, (+99890) 370-77-88. Fax (+99871) 120-73-55.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибидан ўтказилган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 сентябрдаги 16-1303/8019-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Анора Барака савдо» МЧЖга тегишли, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Оқтош» ҚФЙ, Оқтош маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 1155,39 кв.м., қурилиш ости майдони 1263,02 кв.м. бўлган паррандахона ва молхона ҳамда мини новвойхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 214 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 сентябрдаги 16-1303/8019-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ҳаракат КМ» фермер хўжалигига тегишли, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, Орзу маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 1604,82 кв.м., қурилиш ости майдони 2144,25 кв.м. бўлган молхона ва ёрдамчи бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 324 000 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан

Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 16-1304/12757-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Матлубот улгуржи чакана савдо» МЧЖга тегишли, Наманган вилояти, Норин тумани, «Тўда» ҚФЙ, «Охунбобоев» МФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 211,52 кв.м., қурилиш ости майдони 242,81 кв.м. бўлган 30-сонли савдо дўкони бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 59 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 4 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 2 июнь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов хужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказилган манзил:
Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш кафедраси ўқитувчиси Гўзал Саидовага турмуш ўртоғи

Мирафзал САИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 485 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5